

тутади ва бошини кўтариб ҳам, тушириб ҳам юбормайди. Уч марта тасбеҳ айтади. Бу энг ози. Кейин бошини кўтаради ва «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ»ни айтади. Имом шу билан кифояланади. Иқтидо қилувчи «Роббанаа ва лакал ҳамд»ни айтади. Якка намозхон иккисини жамлайди.

Сўнгра тўғриланиб, тик туради. Кейин такбир айтиб, саждага йиқилади. Олдин икки тиззасини, кейин бармоқларини жуфтлаган ҳолда икки қўлини қўяди. Кейин чиғаноқларини керган ва қорнини икки сонидан ажратган ва оёқ бармоқларини қиблага қаратган ҳолда икки қўлинг орасига бошини қўяди. Уч марта тасбеҳ айтади. Бу энг ози.

Ҳажми бор ва устига пешонаси ўрнашадиган ҳар бир нарса устига сажда қилиш жоиз. Шунингдек, издиҳомда намоз ўқиётган шахснинг орқасига ҳам. Аёл киши пасайиб, қорнини икки сонига теккизади.

Кейин намозхон такбир айтган ҳолида бошини саждадан кўтаради ва хотиржам ўтиради. Сўнг такбир айтиб, хотиржам сажда қилади. Кейин такбир айтиб, бошини, кейин икки қўлини, кейин икки тиззасини ерга суянмаган ва ўтирмаган ҳолда кўтаради.

Иккинчи ракъат биринчига ўхшайди. Лекин унда сано, «аъуuzu»ни айтиш ва қўл кўтариш йўқ. Уни тамом қилгач, чап оёғини тагига қилиб, унинг устига ўтиради. Ўнг оёғини, бармоқларини қиблага қаратган ҳолда тик туттади. Икки қўлини ёзиб, бармоқларини қиблага қаратган ҳолда икки сонига қўяди.

Аёл киши икки оёғини ўнг тарафдан чиқариб, чап думбаси билан ўтиради. Кейин Ибн Масъудга ўхшаб ташаҳҳуд ўқийди. Унга ҳеч нарсани зиёда қилмайди.

Аввалги икки ракъатдан кейинги ракъатларда Фотиҳани овозини чиқармай қироат қилади. Агар тасбеҳ айтиб, сукут сақласа ҳам жоиз.

Сўнгра худди аввалгига ўхшаб ўтиради ва ташаҳҳуддан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтади. Кейин одамлардан сўрамайдиган нарсалар ила дуо қилади ва ўша ердаги одам ҳамда малакларни ният қилиб, ўнг ва чап тарафларига салом беради.

Иқтидо қилувчи ён тарафда бўлса, (саломининг) бирида, тўғрисида бўлса, иккисида ҳам имомни ният қилади.

Якка намозхон фақат малакни ният қилади.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди